

Феруза НИЗАМОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти
кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ НАСЛЕДИЯ ПРЕДКОВ В ВОСПИТАНИИ РЕБЁНКА

THE ROLE OF ANCESTORAL HERITAGE IN THE RAISING OF CHILDREN

Аннотация: Мақолада турмуш тарзимиздаги маънавий қадриятларимиздан бўлган она ва бола саломатлиги, фарзанднинг соғлом руҳдаги инсон бўлиб шаклланиши ғояси ҳақида фикр юритилади. Яъни, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш – бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти эканини доимо эсда тутмоғимиз лозим.

Калим сўзлар: оила, она, бола, соғлом рух, дин, жамият, фазилат.

Аннотация: В статье основное внимание уделяется идее здоровья матери и ребенка, которая является одной из наших духовных ценностей в нашем образе жизни, формировании ребенка как личности в здоровом духе. То есть мы всегда должны помнить, что создание здоровой духовной атмосферы в наших семьях, отношения между мужем и женой, родителями и детьми, свекровью и невесткой, взаимное уважение и доброта добрососедских отношений являются важнейшими условиями дальнейшего укрепления мира и согласия в нашей стране.

Ключевые слова: семья, мать, ребенок, здоровый дух, религия, общество, добродетель.

Annotation: In this article the author speaks about a idea of forming as healthy inspired man and health of mother and a child which is one of our spiritual values. That is, the creation of a healthy spiritual environment in our families, the relationship between spouses, parents and children, mother-in-law and daughter-in-law, neighborly relations in the spirit of mutual respect and kindness – this is the most important condition for further strengthening peace and harmony in our country. we must always remember.

Keywords: family, mather, child, healthy mind, religion, society, virtue

КИРИШ

Қадимдан халқимизга хос муҳим бир фазилат – аёл зотига эътибор, иззат-икром, меҳр муҳаббат кўрсатиб келинган. Шу эътибор негизида оилада соғлом инсоннинг дунёга келиши, соғлом тарбия таъсирида улғайиб, камол топишида аёл-онанинг ўрни бекиёс деб эътироф этилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, насл соғломлиги, фарзанд тарбияси, авлод баркамоллиги ва ушбу фаолиятда аёл зотининг, онанинг ўрни, вазифаси ҳамда масъулияти исломнинг диний-фалсафий асослари ва манбаларида кенг ёритилган. Ҳар икки ҳолатда ота-боболаримиз оилани барпо этишга бошқош бўлар эканлар, албатта насл-насаб, тана ва рух соғломлигига жиддий эътибор берганлар. Шубҳасиз, ушбу омиллар қурилажак оиланинг соғломлиги ва мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим сабаб бўлиши билан бир вақтда, ижтимоий муҳит соғломлигини, жамият барқарорлиги ва мамлакат мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омил ҳамдир. Яъни, оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш – бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти эканини доимо эсда тутмоғимиз лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Соғлом инсоннинг шаклланиши, шахс сифатида ўсиб боришида оиланинг ўрни бекиёс. Шу муносабат билан ислом манбаларида оиланинг пайдо бўлиши ва пок инсонни туғилиши ғояларига катта эътибор берилган. Маълумки, соғлом оиладагина соғлом фарзанд вояга етади.

Шу сабабли, ислом урфида фарзанд туғилганида эмас, балки анча олдин у ҳақидаги ғамхўрлик ва шарафли ташвишлар бошланади. Ҳеч кимга сир эмаски, бўлғуси она, унинг авлоди, яшаётган муҳити, истеъмол қилаётган таоми, турмушдаги мавжудлик шароитлари билан манфаатли томонлар обдон қизикадилар. Бўлғуси онанинг соғлиги, айниқса, унинг ҳомиладорлик вақтида ҳам унга нисбатан ғамхўрик ислом манбаларида ёритилган. Ҳомиладор аёлнинг соғлигини ҳимоя қилиш учун барча зарур ишларни амалга ошириш, айниқса, унинг таоми ва турмушидан хабардор бўлиш ғояси жуда муҳим. Аллоҳ таоло Қуръони каримда

“...- (озор бермангизлар) агар улар ҳомиладор бўлсалар, бас нафақа бериб турунгизлар...”, – деб таъкидлайди. (Талоқ, 6). Ушбу маънода сўзсиз оиланинг ташкил бўлиши вақтидаги ўзаро келишув, меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатлик онадаги соғлом кайфиятнинг туғилажак фарзандга ўтишида муҳим сабаб. Ислом дини Пайғамбари ўз қавмларига қарата “сизлар ўз уруғингизни қўядиган жойни танланглар, чунки ирқ биридан бирига ўтадиган бўлади” деб таъкидлайди. Худди шу маънодаги бошқа бир ҳадисда “келин танлаш вақтида тўртта нарсага албатта қизиқилади: молига, жамолига, қасабаю–мансабига, динига. Сен диндорини (демакки, эътиқодлисини, тозалигини, соғлом ақли борлигини, меҳнатсеварлигини...) танлагин”, – дейилади.

Мол, давлат, гўзаллик, мансаб ўткинчи, аммо диндорлик, эътиқодлилиқ, одабийлик абадийдир. Яхши, оқила аёлдан ёмон фарзанд туғилмайди. Агар бунинг тескараси бўлса, шу инсоннинг ҳам бир бўғинида маълум камчиликлар бўлган ва юзага чиққан бўлади.

Шу ўринда пайғамбаримиз эр-хотинлик ахлоқида аёл зотиға нисбатан қуйидагича муносабатни макбул деб ҳисоблайдилар: “Аллоҳ таоло сизларға хотинларға яхшилиқ қилишингизни буюради, чунки улар оналарингиз, қизларингиз ва холаларингиздир”. Бошқа бир ўринда таъкидлайдики: “Аёлларни эъзозланг, уларға қўйлар ёки қора молларға қилгандек муомала қилманг. Ёдингизда бўлсин: жаннат оналарнинг оёғи остидадир”. [2:29-6.]

Инсон табиатнинг буюк ва тақдорланмас мўъжизаси эканлиги, у ҳар томонлама соғлом ва мукамал қилиб яратилганлиги тўғрисида манбаларда ёзилган. Чунончи, Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: “Батаҳқиқ биз инсонни энг яхши суратда яратдик”. Бундан кўринадики, инсон туғилганидан барча камчиликлардан ҳоли бўлади, унга баркамол, соғлом бўлиб ўсиш, мукамаллик томон ҳаракат қилиш имкониятлари берилган.

Соғлом инсон туғилиши ва тарбияланишида кишиларнинг шахсий ва жинсий ҳаёти, поклик ҳаракати ғоялари ҳам ислом манбалари ва талабларида атрофлича ёритилган. Ҳадисларда келтирилишича, “Кимгаки, Аллоҳ таоло бир солиҳа аёлни насиб этган бўлса, Аллоҳ унинг, динининг ярмини ҳимоя қилишга ёрдам қилибди. Энди қолган ярмини ўзи ҳимоя қилсин” [3:16-6.] дейилади.

Маълумки, солиҳа келин ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, улар аниқ бир оилада, ижтимоий муҳитда шаклланади, вояга етади. Бундай шахсларни тарбиялашда аввало солиҳ ота-она, сўнгра жамият жавобгардир. Тарбиячилар иймон-эътиқодли, инсофли, мурувватли бўлсалар, ўзлари бу дунёда қилган барча амаллари учун албатта сўров борлигини, мажбурият борлигини ҳис этсаларгина, фарзандларига ҳам самарали таъсир кўрсатадилар.

Ислом фалсафаси оиланинг соғлом авлод тарбиясида жуда катта ўрни борлигини кўрсатиб, унинг жамиятдаги мавқеиға етарлича эътибор беради. Аллоҳ таоло мўминларига хитоб қилиб, Қуръони каримда айтадики: “Эй мўминлар, ўзларингизни ва аҳли аёлларингизни оташи дўзахдан сақлангиз!” (“Таҳрим-6”). Бундан кўринадики, ота рўзғор бошлиғи сифатида нафақат ўзининг балки, барча оила аъзоларининг соғлом тарбияланишида жавобгардир. Шу сабабли ҳам ҳали рўзғор шаклланмай, бўлғуси оила аъзоларининг тарбиясини аввалдан режалаштириш лозим.

Соғлом авлод нафақат меҳнатсевар инсондир, балки у ўзини номаъқул ҳаракатлардан сақлай оладиган кишидир. Шундай номаъқул ҳаракатлардан бири ислом манбаларида зино ва фоҳишалиқ деб кўрсатилган. Таъкидлаш керакки, Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбарларига юборган Қуръондан олдинги муқаддас китобларида ҳам зинони қоралаб, унинг соғлом авлод пайдо бўлиши ва ривожланишида тузатиб бўлмайдиган асоратлари борлигини кўрсатган. Қуръони каримда эса, зино мутлақо тақиқланган. “Зиноға яқинлашманглар, у гуноҳ бузукликдир ва Аллоҳнинг ғазабига дучор қилади ҳамда дўзах сари бошлайди”.

XX аср вабоси деб ном олган СПИДнинг бугунги кунда инсон ва жамият ҳаётиға қанчалик моддий ва маънавий зарар кетираётгани ва инсоният келажаги учун қай даражада хавф эканлиги барчамизға аён. Ачинарли томони шундаки, айрим касалликлар ирсиятға ўрнашиб олиб, авлоддан-авлодға ўтадиган бўлиб қолади.

Маълумки, боланинг саломатлиги кўп жиҳатдан ташки ва ички омилларға боғлиқ. Ташки омилларға ота-она, маҳалла, атроф-муҳит ва ўзаро муносабатлар киради ва бу боланинг шаклланишиға таъсир кўрсатади. Насл, ирсият, руҳий ҳолатни эса, боланинг туғилиш ва яшаш жараёниға таъсир кўрсатувчи ички омиллар сифатида баҳолаш мумкин. [6:35-6.] Аслида, ҳар икки жиҳат ҳам, боланинг етук шахс сифатида

шаклланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллар бўлиб хизмат қилади.

Аксарият ҳолларда, боланинг соғлом бўлиши, онанинг ҳам жисман, ҳам руҳан соғлом бўлишига боғлиқ. Бироқ, она негадир жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиш учун ҳаракат қияпти-ю, аммо маънавий-руҳий жиҳатдан соғлом бўлишга интилмапти. Аслида ҳамма нарсанинг асоси қалб, руҳ саломатлигига бориб тақалади. Шу жиҳатдан олганда, маънан соғлом муҳитда вояга етаётган бола билан нотинч оилада катта бўлаётган боланинг орасида анчагина тафовут кўзга ташланади. Она қачон болага меҳр кўрсата олади, қачонки, оиласи ўзаро ишонч ва муҳаббат асосига қурилган бўлсагина. Ўзаро ишонч ва муҳаббатни эса, маънавий етук инсонларгина ярата олади. Шуни биламизки, ўзбекона турмуш тарзимизда, яқин-яқингача бола ота-онага қаттиқ гапириш у ёқда турсин, ҳатто юзига тик қарашга ҳеч қачон ботинолмаган, шарм қилган. Бу бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган шарқона яшаш тарзидир.

Ёши улуғларимиз фарзандларни ниҳолга қийслайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, ушбу ниҳолларни соғлом қилиб тарбияласак, илм, одоб-ахлоқ, ҳаё билан зийнатлар эканмиз, келажакда бу ёшлар инсонларга ҳам меваси билан, ҳам сояси билан манфаат берадиган улкан дарахтга айланади. Тарихга назар соладиган бўлсак, боболаримиз бутун дунёга устозлик қилган. Бу муқаддас заминдан улуғ муфассир, муҳаддис, муфаккиҳ, мутасаввуф ва қомусий уломолар етишиб чиққан. Уларнинг ҳаётини ўрганадиган бўлсак шу нарса маълум бўладики, улар ёшлигидан илмга муҳаббатли қилиб тарбияланганлар.

Агар ҳар бир ота-она, ҳар бир устоз, ҳар бир маърифат тарғиботчилари ўзларининг бор ғайратларини юртимиз ёшларининг ҳар соҳада салоҳиятларини юксалтиришга сарфласа, албатта келажакда мутафаккир боболаримиз сингари дунёга устозлик қилдилар.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг улғайиб, комил инсон бўлишлари учун давлатимизда барча зарур моддий ва маънавий яратилган. Ўсмирларни соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касб-хунар эгаллаши учун катта имконият ва шароитлар яратилмоқда. Амалга оширилаётган ишларнинг эса, саноғига етиб бўлмайди. Хусусан, таълим олиш, спорт билан шуғилланиш, турли тўғаракларда иштирок этиш ва бошқа бир қанча имкониятлар яратилган. Кўплаб

спорт иншоатлари, дам олиш ва истироҳат масканларини барпо этиб, ёшлар эҳтиёрига топширилди. Фақат, бола зиммасига бу имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдалана олиш масъулиятини юклайди.

Бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни бекиёсдир. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод учун”, “Болалар”, “Меҳр нури”, “Сен ёлғиз эмассан”, “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик” ва “Мактаб таълими” каби жамғармалар жомбозлик билан фаолият олиб бормоқда.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрларда шуни хулоса қилиш мумкинки, соғлом авлод – бу миллат, юрт келажаги, унинг мустақкам пойдеворини эса, барқамол, етук, маънан соғлом фарзандларгина кура олади. Зеро, жаннатмакон юртга барқамол, етук инсонларгина ярашади. Фарзандлари соғлом юрт эса, тараққий этади, юксалади ва ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди. Аждодларимиз эзгу мақсадларига содиқ қолиб, бугун биз соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратар эканмиз, шу баробарида Ватанимиз ободлиги ва озодлиги, турмушимиз эркинлиги ва фаровонлиги сари қатъият билан қадам ташлаймиз.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссалом қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Қамалак, 1991. – Б. 68.
2. Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадислар. – Тошкент: Мовароуннаҳр нашриёти, 1992. – Б. 16.
3. Имом Бухорий. ал-Адаб ал – муфрад. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1990. 1-боб. – Б. 13.
4. Каримов И.А. Янгица фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-жилд. – Тошкент, 1997.
5. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – Тошкент: Sharq-Standart, 2012.
6. Yusupov E. Inson kamolotining ma'naviy asoslari. – Тошкент: Universitet, 1998.
7. Holmatova M. Oilaviy munosabatlar madaniyati va sog'lom avlod tarbiyasi. – Тошкент: O'zbekiston, 2000.
8. Tillayeva G. Ijtimoiy muhit va yoshlar tarbiyasi. – Тошкент: Falsafa va huquq instituti, 2009.
9. Юсупов Э. Инсон қамолотининг маънавий асослари. – Тошкент: Университет, 1998. – Б. 6.
10. Ниёзов Г., Аҳмедов Қ., Тожибоев Қ. Шарқ алломалари ва маърифатпарвар адибларнинг барқамол авлод тарбиясига оид маънавий-ахлоқий қарашлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 43.